Ушбу сонда:
2 ХАТ ВА АРИЗАЛАР ТАҲЛИЛИ
3 ГАЗЕТХОН ИЛТИМОСИГА КЎРА
4 ОЛИС ҚИШЛОҚ СПОРТИ

# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 15 феврал, сешанба № 27 (1868)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



*Бир Фармон шарофати*

## АЁЛ МЕҲНАТИ ҚАДРЛАНАЁТГАНЛИГИ

### ижтимоий фаолликни оширмоқда

***Президентимизнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-кувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аёлларнинг ижтимоий аҳволи, уларнинг баркамол, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган.***

Вобкент туманидаги И.Наимов номли ширкат хўжалиги касаба уюшма ташкилоти ҳисобидаги мингга яқин аъзоларнинг ярмидан кўпини аёллар ташкил этади. Унинг раҳбари Шуҳрат Қурбонов, касабақўм раиси Эгам Тўраев, хотин-қизлар қўмитаси раисаси Маърифат Жумаевалар ҳамкорликда аёллар турмуш шароитини яхшилашга қаратилган дастур ишлаб чиққанлар. Унга асосан ўтган йили пахтачилик ва ғаллачиликдан келган 50 миллион сўмдан ортиқ соф фойданинг олтмиш фоизи қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, дала шийпонлари ва иш жойларини жиҳозлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, мактаб ўқувчиларига дарсликлар олиб беришга сарфланади.

Бултур далада ишлаганларга бепул иссиқ овқат берилди. Репродуктив саломатлик ва аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш мақсадида хўжалик ҳисобидан 8 миллион сўм сарфланиб, Косари қишлоғидаги шифо масканни таъмирланди. «Ҳожвон» маҳалласида 50 қатновга мўлжалланган янги ҚВП қурилиб, қишлоқ шифохоналари сони 4 тага етказилди. Мавжуд 3 та мактаб таъмирдан чиқарилди. Хотин-қизларни рағбатлантиришга 3 миллион сўм мукофот пули тарқатилди.

Яхши шароит унумли меҳнатга чорламоқда. Фароғат Бозорова бошлиқ ижара пудратчи аъзолари ҳар гектар майдондан 60 центнердан дон етиштириб, юқори кўрсаткичга эришдилар. Оила даромади кўпайиб, ижара пудрати аъзоларининг турмуши янада яхшиланди.

– Касаба уюшмаларининг ҳаракат дастурида аёлларнинг меҳнат, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, бола тарбияси билан шуғулланиши, соғлиғини тиклаши, дам олиши каби имтиёзлар яратиш асосий вазифа қилиб қўйилган, - дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма туман қўмитаси раиси Ражаб Тўраев. – Ўн олти мингдан ортиқ касаба уюшма аъзоларининг тенг ярмини хотин-қизлар ташкил этган туманимизда аёллар тўғрисида доимий ғамхўрлик кўрсатилаяпти.

«Зарафшон», Хайрулла Камолов номли ширкат хўжаликлари, пахта тозалаш заводи, машина-трактор парки ҳиссадорлик жамиятларида аёллар учун иш ўринлари квоталанган. Хотин-қизлар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. Улар учун қўшимча таътиллар жорий этилган. Икки ва ундан ортиқ боласи бор оналарга иш жараёнида енгилликлар жорий этилган. Ҳомиладорлик таътилига икки ой қўшиб берилади ва нафақа маблағлари корхона, ташкилотлар ҳисобидан қопланади.

Қўмита тизимидаги корхоналар томонидан икки мингга яқин серфарзанд оналарга 10 миллион 706 минг, ногиронларга 7 миллион 596 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Кам таъминланган оилаларнинг 2660 нафар фарзандларига 4,5 миллион сўмлик дарсликлар олиб берилди. Юзга яқин якка-ёлғиз қарияларнинг уйлари таъмирланди.

Ёш авлод камолотини ўйлаб мактабларга 50 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. А.Навоий, Й.Охунбобоев, Х.Камолов номли, «Хайробод» ширкат хўжаликлари ҳудудларидаги мактабларга 4 миллион сўмлик компьютерлар олиб бердилар.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга эътибор катта. Оилавий спорт мусобақалари ўтказиш одат тусига кирган. Хотин-қизлар спартакиадасида Р.Хусанов номли ширкат хўжалигининг ёшлар жамоаси вилоят биринчилигида совринли ўринни эгаллади. Моҳир теннисчи Хуррам Сатторова эса хотин-қизлар ўртасида биринчи ўринни қўлга киритди.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида оғир шароитларда ишлаётганларга енгилликлар берилган. Цехларда хотин-қизлар гигиена хоналари ишлаб турибди. Фуқаролар йиғинлари, шифокорлар ва жамғармалар билан биргаликда «Оилада бола тарбияси», «Соғлиғинг ўзингга боғлиқ», «Репродуктив саломатлик», «Хотин-қизлар гигиенаси», «Қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари» каби суҳбат ва мулоқотлар уюштирилди. Марказий шифохона ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Оналар мактаби» машғулотларида юздан зиёд аёллар қатнашмоқда.

**И.ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# 2005 ЙИЛ — СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ

## ЭЛ СОҒЛИҒИ ЙЎЛИДА

***Мустақиллик йилларида мамлакатимиз тараққиёт йўлидан ривожланиб, иқтисодиётимиз жадал суръатларда юксалди. Айниқса, ижтимоий соҳага эътибор кучайиб, инсон омили, халқимиз турмуш даражасини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уларни соғломлаштириш каби долзарб вазифалар давлат сиёсати даражасига кўтарилди.***

Тиббиётни ислоҳ қилиш Давлат дастурига мувофиқ тез тиббий ёрдамнинг яхлит тизими яратилиши, замонавий тишхис-даволаш ускуналари билан таъминланиши, қишлоқларда дастлабки тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш тизимини мустаҳкамлаш аҳолига тез ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконини бермоқда. Бунда албатта, соҳа ходимларини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, уларни рағбатлантириб бориш катта аҳамиятга эга. Ушбу жараёнларда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда олиб бораётган фаолияти, амалга ошираётган тадбирларини алоҳида таъкидлаш зарур. Хусусан, вазирлик ҳамда тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича 2004-2006 йилларга мўлжаллаб имзоланган икки томонлама келишувга мувофиқ соҳа ходимларининг манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, касб касалликларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлат дастурларида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш, жамоа шартномалари орқали қатор имтиёз ва қулайликлар яратиш, маънавий-маданий савияларини юксалтириш, соҳа ходимлари ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш борасида кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Марказий қўмитанинг соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш йўналишларидаги фаолияти ҳам диққатга сазовордир. Ўтган ҳисобот даврида бу муҳим масалалар Марказий қўмита ва вилоят ташкилотларининг доимий эътиборида бўлди. 660 минг нафардан ортиқ касаба уюшма аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилишда жамоа шартномалари муҳим рол ўйнади. Зеро, жамоа шартномаларида асосий эътибор ёш болали ва кўп фарзандли оналарга шарт-шароитлар яратиш, уларга нафақаларнинг ўз вақтида тўланишини, ногиронлар, кам таъминланган оилаларга бериладиган ёрдамларнинг амалга оширилишини назорат қилиш, ўз вақтида иш ҳақи билан таъминлаш, меҳнат шароити бўйича кафолатлар, ходимлар саломатлигини тиклаш, товон пули, устама ҳақ тўлаш, олий ўқув юртлари ва ўрта махсус билим даргоҳларини битириб келган ёш кадрларни иш билан таъминлаш масалаларига қаратилди. Ҳозирги кунда жамоа шартномалари ва келишувларга асосан аксарият тиббиёт муассасаларида аёлларга қўшимча таътиллар берилмоқда. Мактаб ёшигача фарзандлари бор, кўп болали аёллардан 200 минг нафарининг иш куни қисқартирилиб, моддий ёрдам кўрсатилди. 40 минг нафардан зиёд аёллар эса боласи икки ёшдан уч ёшга тўлгунга қадар тўланадиган моддий ёрдамдан баҳраманд бўлмоқда.



(Давоми 2-бетда)

*Бугуннинг гапи*

## ТАЪЛИМ МАСКАНИДА ТАДБИРКОРЛИК

### бу ташаббус қандай натижа беряпти?

***Вилоят касаба уюшмалари Кенгашида тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан қўлга киритилган ютуқлар ва бу борада олдинда турган вазифалар кўриб чиқиларкан, Муҳандислик педагогика институти ва яна бир қатор таълим-тарбия муассасалари тажрибаси тилга олинди.***

Жумладан, юқорида номи келтирилган институт тадбиркорлик бўйича республика танловида ғолиб чиқиб, касаба уюшма қўмитаси раиси Мавлуда Ражабова раҳбарлигидаги делегация Испаниянинг Барселона шаҳрида ўтказилган халқаро танловда иштирок этганлиги алоҳида тилга олинди.

Зеро, бу мисол ягона эмас. Шу кунда кўпчилик таълим ва тарбия масканларида фақат бюджет маблағигагина кўз тикиб қолмасдан ишловчиларни, талабалар ва ўқувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича диққатга сазовор ишлар қилинмоқда. Масалан, Наманган педагогика касб-ҳунар коллежи қошида анча йиллардан бери кўп тармоқли «Ниҳол» ишлаб чиқариш фирмаси фаолият кўрсатмоқда. Мингбулоқ туманида коллежга қарашли 32 гектар ер майдонида етиштирилаётган пахта ва дон ҳамда балиқчилик хўжалигидан олинаётган даромадлар ҳисобидан ходимларнинг тушлик овқати, ишга келиб-кетиш ҳаражатлари тенг ярмига қисқартирилган. Ёз ойларида бутун жамоани вилоятнинг соя-салқин оромгоҳларида бепул дам олдириш, бозор нархларидан икки-уч баробар арзон ун, гўшт, пахта ёғи, гуруч каби маҳсулотлар билан йил бўйи таъминлашга эришилмоқда. Фақат 2004 йилнинг ўзидагина юқоридаги ёрдамчи хўжаликлардан 16 миллион сўм даромад олиниб, ҳар бир ходимнинг 30 минг сўмдан манфаатдор бўлишлигига эришилди. Коллеж ҳисобидан етти нафар етим қизнинг никоҳ тўйлари ўтказилди. Бундай ибратли ишлар Косонсой педагогика коллежида ҳам йўлга қўйилиб, 33 миллион сўмга яқин даромад олинишига муваффақ бўлинди. Топилган даромаддан ходимларга устама ҳақ, мукофот пули бериш ва муҳтожларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадларида фойдаланилмоқда.

(Давоми 4-бетда)

***Мустақиллик йилларининг ўтган даври мобайнида, республикамизда ҳуқуқий, демократик жамият қуришнинг 5 тамойилларидан бири бўлган «Қонун устуворлигини таъминлаш» борасида жуда катта ишлар қилинди. Шу ўтган қисқа вақт мобайнида, жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қатор қонунлар ва кодекслар қабул қилиниб, амалдаги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилдики, буларнинг ҳаммаси халқимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш ва қонунларга оғишмай амал қилиш руҳида тарбиялашда жуда муҳим аҳамиятга эгадир.***

## ИНСОН

### ким бўлишидан қатъи назар унинг эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати олий қадриятдир

Мустақил Ўзбекистон республикаси Конституцияси ва қонунларини халқаро андозаларга мослаштириш, халқаро талабларга жавоб бера оладиган қонунларни қабул қилиш вазифалари ҳозирда баҳамжиҳатлик билан ҳал қилинмоқда. Гарчанд давлат жиноятчиликдан бутунлай ҳоли бўлиш имкониятларига эга бўлмасада, лекин унинг олдини олиш, унга қарши кураш, жиноятчиликни тергаш ва жазолаш масалалари ҳам адолатли қонун нормалари билан тартибга солинмоқда. Давлатнинг равнақига, унинг ривожланишига жиноятчилик жиддий тўсиқ бўлишига қарамасдан, давлат бундай иллатга қарши фақат адолатли қонун билан курашади.

«Ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ходиса билан бирга юз берган, Шу билан бирга, жиноятчиликнинг ўсиши нафақат ислоҳотлар йўлига жиддий тўсиқ бўлмай, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам қарши бевосита таҳдид туғдиради» дея таъкидлайди Президентимиз.

Маълумки, 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон республикаси Жиноят – ижроия кодексида давлатнинг жазони ижро этиш бўйича бошқарув сиёсати қонунлаштириб берилиши билан биргаликда, бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини ҳам ижро этиш масалалари қонунлаштириб берилган.

Республика Олий Мажлисининг II чақириқ XII сессиясида амалдаги Жиноят – ижроия кодексига киритилган ўзгартиришлар жазоларни ижро этиш ислоҳотларининг янги босқичини бошлаб берди. Бу босқичнинг аҳамияти энг аввало ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнлари қатъий ҳаракатга келганлигининг ёрқин нишонаси бўлди.

Жиноий жазоларни ижро этиш ислоҳотларининг ушбу босқичи қандай самара берди, деган саволга қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, натижалар кутилганидан ҳам самарали бўлди. Энг асосийси, унинг ижобий натижаси минглаб кишилар тақдирида ўз аксини топди. Маълумки, жазо тизимини либераллаштириш бўйича қонун нормаларининг асосий ижрочилари унинг моҳиятини яхши тушуниб етиши жиноий жазоларни ижро этиш ислоҳотлари самарадорлигини таъминлашнинг омилидир. Прокуратура, ички ишлар органлари, судлар ана шундай асосий ижрочилар доирасига киради.

Прокуратура ва ички ишлар ходимлари жиноий жазо тизимининг либераллаштирилишини маъқуллаб, бу ҳолат жиноятчиликнинг ўсиб кетишига олиб келмайди, бинобарин, уни келажакда давом эттириш лозим, деган фикрни билдиришади. Бу эса мазмунан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларининг инсоний ҳис-туйғулари, улар қалбидаги раҳм-шафқат ва меҳр-мурувватдан дарак беради.

(Давоми 3-бетда)

Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан Тошкентшаҳарйўловчилар ташиш транспорти акционерлик компанияси сарой ва корхоналарида бир қатор тадбирлар белгиланди.

### ЯНГИ ДАСТУР АСОСИДА

Оммавий жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун ҳам қулай шароитлар муҳайё қилинади. Йил давомида тизимнинг тиббиёт-санитария қисмида зарур тиббий текширувларни ўтказиш ҳам белгиланди.

Ҳозир бу шифохонада поликлиника, стационар бўлим ва транспорт ҳайдовчиларини тиббий кўрик комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Меҳнат фахрийлари, ногирон ва пенсионерларга алоҳида эътибор берилади. Шифохонани замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга ҳам киришилди. Компьютерли электрокардиолограф, фиброгастродуоденоскоп каби аппаратлар олинди. Янги олинган автобуслардан бирига флюрограф қурилмасини ўрнатиш кўзда тутилди.

Соғлом турмуш тарзи тарғиботи ҳам кенг йўлга қўйилмоқда. Шу мақсадда даврий тиббий кўрик, сурункали касалликка дучор бўлган беморларга диспансер кузатуви, оила саломатлиги режалаштириш каби тадбирлар ҳам ўз ижобий натижасини бермоқда.

Транспортчиларнинг ёзги дам олиш мавсуми ҳам кўнгилдагидек ўтади. Компания касаба уюшмаси марказий ва маҳаллий санаторийлар, стационар, турли оромгоҳларга имтиёзли йўлланмалар ажратади.

### ҲАМ КАСБ ЎРГАНИБ, ҲАМ МАНФААТ КЎРАДИЛАР

Навоий вилоятида бир неча йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган Хотин-қизлар ижтимоий кўникма маркази томонидан хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг хуқуқий билими ва маданиятини ошириш, мустақил ҳаёт остонасида турган ёшлар ўртасида хорижий давлатларга ноқонуний ишга ёллашнинг фожиали оқибатларини ёшларга тушунтириш мақсадида турли семинар ва очиқ мулоқотлар мунтазам равишда ўтказилмоқда.

Бу борадаги аниқ вазифаларни амалга оширишда вилоят ички ишлар бош бошқармаси ҳамда вилоят, шаҳар прокуратураси, соғлиқни сақлаш бошқармаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, "Маҳалла" жамғармаси хотин-қизлар ижтимоий кўникма марказига яқиндан ёрдам бермоқда.

— Кўникма марказимизда, — дейди марказ директори Ольга Сашина, — ёшларни ҳаётда тўғри йўл танлашига ёрдам бериш учун нафақат ҳуқуқий тарбия ва ўқув машғулотлари балки, касб-ҳунарларни ўрганишларига ҳам алоҳида эътиборни қаратяпмиз. Жумладан, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан тузилган шартномага асосан ўрта мактабни тугатиб, ўқишга ёки ишга киролмаган 16-17 ёшли қизларни иш билан таъминлаш мақсадида юмшоқ ўйинчоқлар ясашни ўрганиш бўйича 3 ойлик курслар ташкил этдик. Ҳозир мазкур курсда 20 дан ортиқ қизларга Виктория Зубова ўйинчоқлар ясаш сирларини ўргатмоқда.

*Ибрат*

## БОҚУВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАН

### оилалар оталиққа олинди

***Касаба уюшма ташкилотларининг асосий вазифаси аввало меҳнаткашларнинг кундалик ҳаётдаги манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгандир. Агар ҳар бир бошланғич ташкилот ўз аъзолари олдида ишонч қозонишни хоҳласа, у аниқ амалий вазифалар билан шуғулланиши лозим.***

Республика автотранспорт ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг Қашқадарё вилояти вакиллигида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур вакиллик автотранспорт корхоналари ва йўл ташкилотларида меҳнаткашларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари иштирокида турли йиғилишлар ўтказмоқдалар. Уларда суд, прокуратура ходимлари иштирок этиб, диний ақидапарастлик ва экстремизмнинг мазмун-моҳияти очиб ташланяпти.

Аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож табақаларига ўтган йил давомида 33 миллион 149 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Кам таъминланган, ночор оилаларнинг фарзандларига 1 миллион 50 минг сўмлик ўқув қуроллари ҳамда мактаб формалари олиб берилди.

«Қашқадарёавтойўлқурилиш» ҳудудий шўъба корхонасида кам таъминланган ҳамда боқувчисини йўқотган 133 та оила оталиққа олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Электр энергияси, газ, сув ҳаражати тўловлари, хонадонларни таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, ушбу мақсад учун 10 миллион 824 минг сўм сарфланди.

Қариялар ва меҳрибонлик уйлари, 33-сонли махсус ногиронлар мактабига 19 миллион 700 минг сўмлик хомийлик ёрдами кўрсатилди. Мазкур меҳр-мурувватлилик тадбирларини амалга оширишда касаба уюшмаларининг тармоқдаги корхона, ташкилотлар раҳбарияти билан ҳамкорлиги ниҳоятда қўл келмоқда.

Вакилликда маданий-маърифий, жисмоний-тарбия ҳамда спорт ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Республикамиз мустақиллигининг 13 йиллиги ҳамда «Меҳр ва мурувват йили» муносабати билан «Автомобилчи» болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳида адабиёт ва санъат вакиллари, кекса авлод намоёндалари билан давра суҳбатлари ташкил этилди. Бухоро, Самарқанд, Хива ҳамда Термиз шаҳарларига саёҳатлар уюштирилди. Мазкур оромгоҳда «Мен шу юртнинг фарзандиман», «Менинг муқаддас бурчим» мавзуларида маънавий-маданий тадбирлар бўлиб ўтди.

Тармоқ корхоналарида айни вақтда 2 та кутубхона, 11 та клуб, 29 маънавият хоналари фаолият кўрсатяпти. Мазкур маданий масканларда ҳам турли учрашувлар ва суҳбатлар белгиланган режа асосида олиб борилмоқда. Меҳнаткашларга компьютер, хорижий тилларни ўрганиш, ёш китобхонлар, тўгараклари ҳам намунали хизмат кўрсатмоқда. Тармоқда ўтказилган «Алпомиш ва Барчиной» махсус тест синовлари, «Иқбол», қизлар конкурси, «Менинг муқаддас бурчим» мавзуларидаги қатор тадбирлар кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

**Н.РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

### ДЕНГИЗ УЧКУРАШИ

Бухоро шаҳрида спортнинг денгиз учкураши бўйича мамлакат биринчилиги якунланди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур мусобақада элликдан зиёд спортчи тўққиз жамоа таркибида куч синашди.

Узоқ масофага югуриш бўйича пойтахтлик Д.Тешаев ҳамда навоийлик С.Аслонов маррага биринчи бўлиб етиб келди. Тўппончадан отиш баҳсида самарқандлик мерганлар А.Шарипов ва С.Волоконский энг юқори натижага эришди. 200 ва 400 метрга эркин сузишда эса Тошкент шаҳри вакиллари П.Растригин ҳамда А.Летвинов барчани доғда қолдирди.

Мусобақа Самарқанд вилояти вакиллари умумжамоа ҳисобида ғалабаси билан якунланди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Тошкент шаҳри ва вилояти спортчиларига насиб этди.

**ЎзА**

# Ўзбекистон касаба уюшмалари қурултойдан-қурултойгача

## ЭЛ СОҒЛИҒИ ЙЎЛИДА

(Боши 1-бетда)

Жамоа шартномаларида кўзда тутилган муҳим масалалардан яна бири, ўз вақтида иш ҳақи ва бошқа тўловларни тўлашдир. Бу борада 2003 - 2004 йиллар давомида тармоқ вилоят қўмиталари, вакилликлар билан ҳамкорликда иш ҳақи тўловлари бўйича қарздорликни бартараф этиш юзасидан вилоят ҳокимликлари, прокуратура ва банк муассасаларига мурожаатларимиз орқали бирмунча ижобий натижаларга эришилди.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлаш бўйича касаба уюшма вилоят қўмиталари ҳам ташкилотлар билан биргаликда ибратли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси ўтган беш йил давомида 100 дан ортиқ ташкилотларда бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя борасида амалга оширилаётган ишларни ўрганиб чиқди. Шу ўринда ижобий ишлар билан бирга айрим ташкилотларда иш берувчилар томонидан меҳнатга оид меъёрий ҳужжатлар нотўғри қўлланилаётган ҳоллар ҳам аниқланганлигини қайд этиш лозим. Касаба уюшма мутахассислари томонидан бундай камчиликларни бартараф этиш мақсадида услубий-амалий ёрдам кўрсатилиб, тармоқ ходимларига 1 миллион сўмга яқин иш ҳақи ундириб берилди. Бундан ташқари, нафақаларни расмийлаштириш билан боғлиқ муаммолар ҳам ижобий ҳал этилди. Масалан, шаҳар клиник руҳий касалликлар шифохонаси рентген кабинети мудири А. Тригулованинг мурожаати бўйича унинг рентгенолог бўлиб ишлаши эътиборга олинмай, даромад солиғи нотўғри олинаётганлиги аниқланиб, талаб қилинаётган 80 минг ўрнига 18 минг сўм ушлаб қолиниши лозимлиги исботланди. 2-Марказий поликлиниканинг фельдшер-диспетчери И. Корепанованинг имтиёзли нафақага чиқиши расмийлаштирилди. Дарвоқе, Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда семинар машғулотлари ўтказилганлиги кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Кези келганда мамнуният билан таъкидлаш лозим: тармоқ муассасаларида қабул қилинган жамоа шартномаларининг 241 таси нодавлат ташкилотларида тузилган. Нодавлат секторда ишлаётган ходимлар ҳам жамоа шартномалари орқали қатор имтиёз ва кафолатлардан фойдаланмоқда. «Хонзадахон» ва «Тоштибтехника» масъулияти чекланган жамиятлари, «Дори-дармон» давлат акциядорлик жамияти шулар жумласидандир.

Тизимда меҳнат муҳофазаси масаласи асосий йўналишлардан бири бўлиб, муассасаларимизда ҳар йили ходимларнинг иш шароитларини яхшилаш, уларга етарли меҳнат шароитлари яратиш, меҳнат хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган кўплаб тадбирлар амалга ошириляпти. Ишловчилар махсус кийим ва пойабзал, сут маҳсулоти, ювиш воситалари билан таъминланмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган кўрик-танловда Қашқадарёдаги 1-вилоят шифохонаси касаба уюшма қўмитаси, вилоят суд-тиббий экспертиза бюросининг меҳнат муҳофазаси бўйича вакили А. Эркаев, Деҳқонобод туман марказий шифохонаси касаба уюшма қўмитасининг меҳнат муҳофазаси бўйича комиссияси, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туман Марказий шифохонасининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили О. Нишонбоев ҳамда Хўжайли туман Марказий шифохонаси касаба уюшма қўмитасининг меҳнат муҳофазаси бўйича комиссияси ғолиб деб топилди. Худди шунингдек, республика шошилинч тиббий ёрдам маркази ва унинг Наманган, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари филиаллари ҳамда Пастдарғом, Олтинкўл туман Марказий шифохоналари, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 4-стоматология поликлиникаси, Собир Раҳимов туман зарарсизлантириш станцияси каби муассасаларда ҳам меҳнат муҳофазаси намунали йўлга қўйилган.

Республикамиз инсонпарвар демократик ҳуқуқий жамият қуриш йўлидан бормоқда. Бунда энг аввало ҳар бир фуқародан амалдаги қонунларни яхши билиш ва уларга қатъий риоя этиш талаб этилади. Шу боис биз тармоқ ходимларининг ҳуқуқий билимини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Чунончи, Марказий қўмита томонидан касаба уюшма фаолларининг ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида «Меҳнат қонунчилигига оид саволлларга жавоблар» методик қўлланмаси ишлаб чиқилиб, вилоятларга юборилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўқув марказида ўқувлар, барча вилоятларда семинарлар ташкил этилди.

Соҳа ходимларининг маънавий дунёқарашини юксалтириш, улар ўртасида маданий-маърифий ва спорт ишларини йўлга қўйиш долзарб вазифалардан биридир. Бу вазифаларни муваффақият билан уддалаш учун вилоят қўмиталари томонидан «Энг ибратли оила», «Аёл борки, олам мунаввар», «Қувноқлар ва зукколар», «Аёл дунёни тебратади» каби кўрик-танловлар, турли спорт мусобақалари, турнирлар, тармоқ спартакиадалари мунтазам ўтказиб борилмоқда.





Меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш масаласи ҳам доимий диққат марказимиздадир. Ҳар йили 6 мингдан зиёд соҳа ходимлари санаторий ва дам олиш уйларида соғломлаштириляпти, 10 минг 300 нафардан зиёд ўғил-қизлар эса энг сўлим ва баҳаво оромгоҳларда дам олдирилмоқда. Бунда ёрдамталаб, кўп болали оилалар фарзандларини йўлланма билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, тармоқ муассасаларининг аксариятида меҳнат қилаётган аёлларни тиббий кўрикдан, тўлиқ диспансеризациядан ўтказиш ҳам ташкил этилган.

Ўтган Меҳр ва мурувват йилида хайрия ишлари кучайтирилди. Кўнгли ярим инсонлар ҳолидан хабар олиниб, кам таъминланган, кўп болали оилалар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ногирон ва ёлғиз инсонлар моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Хусусан, Тошкент туманидаги сил касалликлари шифохонасига 1 миллион сўмлик, кам таъминланган оилаларга 77 миллион 821 минг сўмлик дори-дармон берилди. Кам таъминланган ёш оилалар вакиллари, Меҳрибонлик уйларининг собиқ тарбияланувчилари, ногиронлардан 141 нафари санаторий, дам олиш масканларида имтиёзли соғломлаштирилди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш, саломатликларини мустаҳкамлаш, сифатли тиббий хизмат тизимини такомиллаштириш орқали малакали тиббий хизматни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни сиҳат-саломатлик йилида янада кучайтириш йўлида барча имкониятларини ишга солади. Бунда, айниқса, кам таъминланган оилалар, ногирон, ёлғиз инсонлар, аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, саломатликларини мустаҳкамлаш, соғломлаштириш доимий диққат марказимизда бўлиши кўзда тутилган. Сирасини айтганда касаба уюшмалари жорий йилимизда ҳам инсонлар оғирини енгил қилиш, уларни кучли ижтимоий-ҳимоялаш йўлида бор салоҳиятини ишга солади.

**Озодахон МУҲИТДИНОВА,**
**Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси**

## ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурига мувофиқ замонавий ташхис қўйиш ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган, юқори малакали шифокорлар, ўрта тиббиёт ходимлари билан таъминланган шошилинч тиббий ёрдамнинг яхлит тизими яратилди. Айни чоғда пойтахтимизда Республика тез тиббий ёрдам маркази ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятларда унинг филиаллари фаолият кўрсатмоқда.

*** Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида 71 минг 623 нафар шифокор халқ саломатлиги йўлида меҳнат қилмоқда. Уларнинг 11 минг 261 нафари олий, 21 минг 103 нафари биринчи тоифали шифокорлардир.**

* Тизимда фаолият кўрсатаётган 256 минг 183 нафар ўрта тиббиёт ходими - ҳамшираларнинг 39 минг 144 нафари олий, 50 минг 678 нафари биринчи тоифали ҳамширалардир.

*** Республика соғлиқни сақлаш тизимида 986 та даволаш-профилактика муассасаси, 2461 та ҚВП, 2794 та амбулатор-поликлиника, 406 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 2489 та фельдшер-акушерлик пункти ишлаб турибди.**

## МЕҲР - МУРУВВАТ

### кўнгилларни нурафшон этди

***Меҳр-мурувватлилик, оқибат, бир-бирига ёрдам қўлини чўзиш ўзбек халқига хос фазилатдир. Ўтган 2004 йилда ушбу одамийлик сифатлари янада сайқал топди. «Меҳр ва мурувват йили» давлат Дастури асосида кенг кўламли, эзгу ишлар амалга оширилди. Бундай хайрли ва саховатли ишларда касаба уюшмалари чинакам ташаббускорлик салоҳиятини кўрсатдилар.***

Хусусан, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш билан бирга кам таъминланган оилалар, якка-ёлғиз қариялар, ногиронларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш борасида ибратли тадбирларни амалга оширди. Юқоридаги дастурга мувофиқ Марказий қўмита ўз тадбирларини ишлаб чиқди. Бунда асосий эътибор кам таъминланган, кўп болали ва ёш оилаларга, ногирон ва етим есирлар, ёлғиз инсонларга моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, ишчи-хизматчилар ва уларнинг фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, фахрийлар саломатлигини мустаҳкамлаш, меҳнаткашлар, айниқса, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоялаш, уларга жамоа шартномалари орқали қўшимча имтиёзлар, меҳнат шароитлари яратиш, шунингдек, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалаларига қаратилди. Ёшлар қалбида бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш, халққа садоқат каби эзгу туйғуларни уйғотиш, меҳнаткашлар ва ёшлар ўртасида маънавий-руҳий баркамолликни таъминлаш, миллий қадриятлар, анъана ва урф-одатларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, ёш авлодни соғлом ва бақувват қилиб ўстириш масалалари ҳам мазкур тадбирлар асосини ташкил этди. Ушбу масалаларда жамоа шартномалари ва келишувларга бир қанча имтиёзлар киритилишига эришилди. Масалан, Тошкентдаги Республика «Дори-дармон» давлат акциядорлик жамиятида жамоа шартномасига киритилган ҳолда ходимларга ҳар куни 1500 сўмлик иссиқ овқат уюштириш, имтиёзли йўл чипталари билан таъминлаш, моддий ёрдам тариқасида кузги сабзавотлар сотиб олиш учун маблағ ажратиш йўлга қўйилди.

Педиатрия тиббиёт институтида эса 312 нафар кам таъминланган, кўп болали ходимларга бепул тиббий хизмат кўрсатилди. Амалдаги меҳнат қонунчилигида назарда тутилган кафолот ва имтиёзлардан ташқари қўшимча равишда жамоа шартномаларига киритилган тадбирларни амалга ошириш натижасида 53 нафар кўп болали аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси 1 соатга қисқартирилди.

Меҳнаткашлар, айниқса, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга қўшимча имтиёзлар, меҳнат шароитлари яратиш, шунингдек ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди. Жамоа шартномалари ва келишувларида кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, ногиронлар, байналмилал жангчилар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, Чернобил АЭСдаги ҳалокат оқибатида зарарланган ходимларга тиббий хизмат кўрсатиш, дори-дармон билан боғлиқ сарф-харажатларни қоплаш, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш масалалари акс этган. Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини ўқув қуроллари, дарсликлар билан таъминлаш, олий ва ўрта-махсус ўқув юртларида таълим олаётган муруввatталаб оилалар ўғил-қизларининг шартнома пулини имтиёзли равишда тўлаб бериш, «Меҳрибонлик» уйларининг собиқ тарбияланувчилари, ёш оилалар вакилларини дам олиш вақтларида имтиёзли соғломлаштириш каби тадбирлар кўзда тутилган. Меҳрибонлик уйларининг собиқ тарбияланувчилари, ногиронлар санаторийлар, дам олиш масканларида имтиёзли соғломлаштирилди. Бухоро вилоят тармоқ қўмитаси томонидан эса олти нафар кам таъминланган оилалар фарзандларига «Ҳавас» стипендияси тайинланди. Андижон давлат тиббиёт институтида таҳсил олаётган 570 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларига бепул тушлик ташкил этиш йўлга қўйилди. Андижон ва Наманган вилоятларида ёлғиз ўзи яшовчи тармоқ ходимларидан 5 нафарининг уйларини таъмирлашда ёрдам берилди.

Бундай эзгу ишлар бошқа вилоят тармоқ касаба уюшма қўмиталари томонидан ҳам ташкил этилди. Хусусан, Сурхондарё вилоятида тармоқ муассасаларида қабул қилинган жамоа шартномаларига асосан олий ва ўрта махсус билим юртларида таълим олаётган 5 нафар тармоқ ходимларининг фарзандларига шартнома пуллари тўлаб берилди.

Тармоқда Меҳр ва мурувват йили муносабати билан ўтган йили жамоа шартномаларига кўплаб қўшимча бандлар киритилди ва уларнинг бажарилиши тўлиқ назоратга олинди. Марказий қўмита ҳамда вилоят тармоқ қўмиталари, бошланғич ташкилотлар саъй-ҳаракатлари билан томонлар мажбуриятларининг бажарилишида бирмунча муваффақиятларга эришилди. Хусусан, жамоа шартномалари ва келишувларда ишловчи аёлларнинг туғишгача ва ундан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллар кунини узайтириш назарда тутилган бўлиб, тармоқ бўйича кўзга кўринарли натижаларга эришилди. Қатор тармоқ муассасаларида тўрт ва ундан ортиқ боласи бор аёлларнинг маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси 1 соатга қисқартирилди.

Жамоа шартномаларидан фахрий ишчилар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш ҳам мустаҳкам ўрин олди. Бунинг натижасида 855 нафар ишламайдиган пенсионерларга ўзлари меҳнат қилган тармоқ корхоналари томонидан турли байрамлар, тантаналарда моддий ёрдам кўрсатилди.

Марказий қўмита томонидан аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган қатлами, ногиронлар, пенсионерлар, етим болалар, кам таъминланган оилаларга 3 миллион 382 минг сўм сарфланди. Бу каби эзгу ва савобли ишлар касаба уюшмалари меҳнат кишисининг энг яқин ва беминнат суянчи эканлигининг исботидир.

**Лола ЖАЛОЛОВА,**
**тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитаси ташкилий ишлар бўлими мудири**

Республикамизда кейинги йилларда кўплаб янги тиббиёт муассасалари қад ростламоқда. Яқинда пойтахтимизнинг Сағбон кўчасида барпо этилиб, фойдаланишга топширилган 42-оилавий поликлиника ҳам ана шундай шифо масканларидан бири.

Ушбу поликлиника «Сағбон» даҳасига туташган 7 та маҳалланинг 28 минг нафар аҳолисига хизмат қилади. Ҳар томонлама қулай, замонавий даволаш муассасасининг ишга туширилиши аҳоли учун жуда катта қулайлик туғдирди, десак муболаға бўлмайди. Чунки илгарилари мазкур маҳаллаларнинг аҳолиси бир неча транспорт орқали узоқроқдаги поликлиникага қатнашга мажбур бўларди.

### МАҲАЛЛАДА ПОЛИКЛИНИКА

Поликлиника барча шароитларга эга. Жаҳон андозалари даражасидаги тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Унда оила шифокори бўлими, тор соҳа мутахассислари - қулоқ, томоқ, бурун, инфекцион касалликлар, окулист, невропотолог, кардиология, ревматология, жарроҳлик, травматология, стоматология, УЗИ, ЭКГ, рентген хоналари, зарарсизлантириш бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

Поликлиникада меҳнат қилаётган тиббиёт ходимлари учун ҳам барча шароит ва қулайликлар яратиб берилган. Шифокорларнинг ишдан сўнг ҳордиқ чиқариши учун дам олиш, овқатланиш хоналари ташкил этилган. Касаба уюшма қўмитаси томонидан улар мустаҳкам ижтимоий ҳимояга олинган. Шинам, барча зарур воситалар билан жиҳозланган масканда фаолият кўрсатаётган соҳа ходимлари халқимиз соғлиғини мустаҳкамлаш йўлида доимо шай.

**Гавҳар ИСЛОМОВА,**
**Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Кенгаши раиси**

*Хат ва аризалар таҳлили*

## ИШ БЕРУВЧИ

### меҳнат қонунчилиги талабларини бузганда

Ҳозирги кунда ижтимоий ҳимоя тамойили давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Ана шу жараёнда, сўзсиз касаба уюшмалари олдида турган вазифалар ҳам ўзига хос маъно ва мазмун касб этади. Зеро, энг оммавий жамоат ташкилоти ўз фаолияти мезонини меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ифода этишда деб билади.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасига келаётган аризаларнинг кўпчилиги иш берувчи томонидан ходимни ноқонуний равишда ишдан бўшатиш, зарарни қоплаш, бошқа ишга ўтказиш, иш ҳақи, мукофотлаш, меҳнатни меъёрлаш, меҳнат муҳофазасига доирдир.

2004 йил давомида Марказий қўмитага 28 та ёзма ва 196 та оғзаки мурожаат келган бўлиб, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди. Мурожаатлардан маълум бўлмоқдаки, айрим иш берувчилар томонидан меҳнат қонунчилиги талаблари қўпол равишда бузилмоқда. Бу эса ходимларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари поймол этилишига олиб келмоқда. Тармоқ касаба уюшмалари бундай ҳолларда адолат қарор топиши, меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқини тиклаш йўлида ташаббускорлик кўрсатмоқда.

Шу ўринда мисолларга мурожаат этсак. Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли туман марказий шифохонасининг сил касалликлари бўлими шифокори А. Абдуллаева иш берувчи томонидан ноқонуний равишда ўз вазифасидан озод этилади. Республика тармоқ касаба уюшма кенгаши мутахассислари саъй-ҳаракати билан у ўз вазифасига тикланиб, мажбуран бекор юрган вақти учун 23330 сўм маблағ ундириб берилди. Худди шу шифохонанинг тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўлими мудири Ж. Тўрабоев ҳам иш берувчи ташаббуси билан ишдан бўшатилган бўлиб, касаба уюшма аралашувидан сўнг ўз ишига қайтди.

Тошкент вилоят 1-клиник шифохонаси бош шифокори У. Усмонов дабдурустдан вазифасидан озод қилинганлиги сабабли ўз вазифасига тиклашни сўраб даъво аризаси билан судга мурожаат қилди. Суд мажлисида тармоқ касаба уюшма ҳуқуқшуноси иштирок этиб У. Усмоновнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари тикланишига эришди. У. Усмоновга 190 минг 258 сўм моддий ва 200 минг сўмлик маънавий зарар ундирилди.

Шу ўринда ходимлар ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя этишда соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма вилоят кенгашлари ҳамда вакилликлари, уларда фаолият кўрсатаётган ҳуқуқшуносларнинг ташаббускорлик салоҳиятини алоҳида қайд этиш жоиздир. Чунки улар адолат қарор топишида барча имкониятни ишга солмоқдалар. Масалан, Марказий қўмитанинг Навоий вилоятидаги вакиллиги томонидан 2004 йил давомида ноқонуний равишда ишдан бўшатилган 9 нафар ходим суд орқали ўз вазифасига қайта тикланди. Бунда ундирилган жами зарар 535 минг 646 сўмни ташкил этди.

Ходимларнинг ўз ташаббуси билан вазифасидан озод қилинишида ҳам меҳнат қонунчилигининг айрим талаблари бузилиши кузатилмоқда. Чунончи, Меҳнат Кодексининг 99-моддасига мувофиқ ходим ўз вазифасидан озод қилинишини сўраб, иш берувчига энг камида 2 ҳафта аввал ариза билан мурожаат этиши зарур. Чунки бу муддат ичида у ўз аризасини қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Меҳнат Кодексининг айнан ушбу талаби Хоразм вилоят тиббий ёрдам марказида бажарилмаган. Яъни, марказ кичик ҳамшираси Г. Болтаева 2004 йил 9 мартда ўз вазифасидан озод қилишни сўраб ариза билан мурожаат этади ва худди шу санадаги буйруқ билан ишдан бўшатилади. Оқибатда ходимнинг аризасини қайтариб олиш ҳуқуқи поймол этилади. Бу мисоллар ўз-ўзидан нафақат ходимларнинг, балки иш берувчиларнинг ҳам ҳуқуқий жиҳатдан етарли саводхонликка эга эмаслиги, айниқса меҳнат муносабатлари борасида билим ва тажрибанинг етишмаслиги далилидир.

Иш жараёнида соғлиғига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги мурожаатлар ҳам жойида ўрганиб чиқилиб, тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояланмоқда. Масалан, Оққўрғон туман марказий шифохонасида фельдшер бўлиб ишлаётган Сайфиддин Қўшмонов иш вақтида автоҳалокатга учрайди ва оламдан ўтади. Номаълум сабабларга кўра жабрланувчининг оила аъзоларига товон пули ва нафақа тўлаш масаласи ҳал этилиши пайсалга солинган. Марказий қўмита аралашуви билан марҳумнинг оила аъзоларига 1 миллион 860 минг сўм миқдорида товон пули ундирилиб, фарзандлари учун нафақа тайинланди.

Ҳар бир хат ортида инсон тақдири турибди. Зеро, унинг кейинги ҳаёти, фаолияти хат ва мурожаатларнинг нақадар адолатли ва холис ҳал этилишига боғлиқ. Касаба уюшмаларининг мақсади эса ягона, давлатимиз илгари сураётган кучли ижтимоий ҳимоя тамойили, инсон омили йўлида бундан-да яхши натижаларга эришиш.

**М. ДАВРОНОВА**



## «ШИФОКОР»

### энг яхши оромгоҳ

***Андижон вилоят Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Кенгаши қарашли «Шифокор» болалар оромгоҳи ҳар йили ёзги соғломлаштириш мавсуми давомида 900 нафар ўғил-қизни ўз қучоғига олади. Умумий майдони 9,5 гектар бўлган оромгоҳ тоғ ёнбағирларига яқинлиги боис тоза ҳавоси, бетакрор табиати дилларга ором бағишлайди.***

Ҳар йил бошиданоқ мазкур дам олиш масканини мавсумга тайёрлаш, сифатли таъмирлаш, зарур жиҳозлар билан таъминлаш ишларига киришилиб, соҳа ходимлари фарзандларининг мазмунли дам олиши намунали ташкил этилади. Алоҳида таъкидлаш зарурки, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси оромгоҳнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш йўлида катта ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ўтган йили ҳам Марказий қўмита томонидан 8 миллион сўм маблағ ажратилиб, оромгоҳ учун юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар харид қилинди.

Сўлим масканда спорт майдончалари, сузиш ҳавзаси, душхона, ёзги кинотеатр, тантанали йиғилиш майдонлари бор. Шунингдек, оромгоҳга олиб келувчи йўллар доимо тартибга солиб турилади.

Оромгоҳни ишга тушириш олдидан ичимлик сувининг меъёр талабларига жавоб беришини аниқлаш мақсадида лаборатория текшируви ўтказилади. Электр жиҳозлар, ёнғин хавфсизлиги асбоблари тўла кўздан кечирилади. Санитария-эпидемиология мутахассислари, касаба уюшма мутасаддилари оромгоҳни ҳар томонлама назоратдан ўтказадилар.

Мавсум давомида болажонларнинг бу ерда мазза қилиб дам олишлари учун барча шарт-шароитлар етарли. Улар зерикиш нималигини билишмайди. Сурат чизиш, мусиқа, компьютер, ёш адабиётшунослар, кашта тикиш, тикувчилик тўгараклари болаларнинг бўш вақтларини янада мазмунли ўтказишларини таъминлайди. Маънавият ва маърифат хонаси, кутубхонада эса ўғил-қизлар дунёқараши бойитилиб, атрофимизда ва дунёда бўлаётган янгиликлардан баҳраманд бўладилар. Республикамиз ҳаётига оид ибратли тадбирлар, миллий қадриятлар асосида Ватанга садоқат, эл-юртга меҳр-муҳаббат руҳидаги суҳбатларда иштирок этадилар.

Ушбу ишларни янада яхшилаш ва кутубхонани болалар учун зарур адабиётлар билан бойитиш мақсадида Марказий қўмита ўтган йили қўшимча 1 миллион сўм маблағ ажратди.

Оромгоҳда жисмоний тарбия ва спорт ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган. Хусусан, шохмот-шашка, тош кўтариш, енгил атлетика, футбол, сузиш тўгаракларида болажонлар мароқ билан шуғулланадилар. Педиатр врач ва 2 нафар ҳамшира доимий равишда болалар соғлиғини муҳофаза этиб, зарур муолажаларни олиб борадилар. Ҳар йили тиббиёт хонасининг зарур жиҳозлар - бўй ўлчагич, тарозу, хона ҳароратини ўлчаш асбоби, танометр, биринчи ёрдам учун дори воситалари билан таъминланиши қатъий назоратга олинади.

Малакали тарбиячи ва етакчилар, ширин таомлар тайёрлаб берувчи пазанда-ошпазлар мавсум давомида болалар хизматида бўладилар.

**Саодат ЖАЛИЛОВА,**
**Андижон вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири**



**Саҳифани ЎзКУФК матбуот котиби Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА тайёрлади**

# ИНСОН

## ким бўлишидан қатъи назар унинг эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати олий қадриятдир

(Боши 1-бетда)

Маълумки, муайян шахсни содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланганда ўзига хос руҳий ва ижтимоий, социал оқибатлар келиб чиқади. Биринчи галда, бу билан боғлиқ жараёнлар унинг аввалги нормал ҳаёт тарзини бузади. Шахс ўзи учун мутлақо ноқулай бўлган муҳитга тушиб қолади. Унинг ўз эрки билан бирор иш қилиши чегараланади. Социал-маиший турмуш шароитлари кескин ёмонлашади, озод кишилар орасида юрганда олиши мумкин бўлган қатор моддий ва маънавий неъматлардан маҳрум бўлади. Агар у бирор касбий фаолият билан шуғулланаётган бўлса, эндиликда унинг бу соҳадаги имконияти ҳам йўққа чиқади, ўз малака-кўникмаси ва савиясини сақлаб қолиши ҳам муаммо бўлиб қолади. Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, эндиликда у озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар қуршовида ва улар билан муносабатга киришган ҳолда яшашга мажбур. Жиноятчи маҳбуслар ўртасидаги муносабатлардан фарқ қилиши табиий. Эътироф этилиши лозимки, бу муносабатлар кўпинча характери бўйича кучлининг кучсиз, зўравоннинг заиф устидан ҳукмронлигига асосланган муносабатлардир.

Бундай муҳитда маҳкумнинг жафо чекиши, хўрланиши, қийналиши, жисмоний ва маънавий жиҳатдан азоб чекиши табиий. Бундай муҳит маҳкумнинг аввалги хулқ-атворининг кескин ўзгаришига олиб келади. Бу ўзгаришлар, афсуски, салбий ҳислатларда намоён бўлиши эҳтимоли кўпроқ. Шу сабабли ҳам кўпинча бир неча йиллаб озодликдан маҳрум этиш бўйича жазони ўташ колонияларида бўлган маҳкум характеридаги бераҳмлик, ноинсофлик, кучгагина бўйсуниш, қонунга адоват билан қараш, инсоний қадриятларга нисбатан нописандлик ва нафрат руҳи мавжудлигидан ажабланмаса ҳам бўлади. Бошқа томондан олганда, бирор шахсни озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиш, унинг оила аъзолари, яқинлари ва теварак-атрофдагилар учун ҳам қатор ноқулайликларни вужудга келтиради. Агар маҳкум фарзанд бўлса, унда ота-она мусибатини, агар эр ва ота бўлса, аёли ва фарзандларининг моддий ва маънавий изтиробларини, она-аёл бўлса, у ҳолда оила пароканадаликка дучор бўлишини тасаввур қилинг.

Албатта, бу озодликдан маҳрум этиш жазосини қўлламаслик керак, деган маънони билдирмайди. Бироқ, Юртбошимиз таъкидлаганидек, оғир жазо фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазонинг, жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаёт кўрсатмоқда.

Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазони оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда қонунни бузган шахс жазонинг муқаррарлигини нечоғлик англашига боғлиқ. Либераллаштириш сиёсий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки у Ўзбекистон Республикасини демократик ҳуқуқий давлат ва инсонпарвар фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим вазифаларни бажаради.

Озодликдан маҳрум этиш жазосига одатда хавфли жиноят содир қилган шахслар ҳукм этилиб, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни тарбиялаш ва такроран жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида тарбиявий чора-тадбирлар амалга оширилади. Тарбиявий чора-тадбирларнинг кўпчилиги жазони ўтаётган шахсларда озодликдаги микроижтимоий муҳитнинг салбий таъсирида шаклланган ғайриижтимоий қарашлар, мойилликлар ва одатларни тубдан йўқотишга қаратилган. Озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар жазони колония ва турмаларда ўтайдилар. Маҳкумларнинг таснифланишига кўра, улар турли хил колония ва турмаларга тақсимланиб, уларнинг ривожланиши ва такомиллашиши маҳкумлар шароитининг ўзгариши ва жаҳон андозаларига яқинлашишига ҳам сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 50-моддасига асосан жазони ижро этиш колонияларининг тўрт тури назарда тутилади. Буларга: манзил колониялари, умумий, қаттиқ ва кучайтирилган тартибли колониялар киради. Вояга етмаган шахслар озодликдан маҳрум қилинганида уларнинг тарбия колониялари билан вояга етганларнинг колонияларидаги шарт-шароитлар бир-биридан фарқ қилади. Вояга етмаганлар тарбия колонияларида шароитларнинг енгиллаштирилганлигини кўришимиз мумкин.

Маълумки, аёл жамиятда алоҳида мавқега эга. У ўз табиатига кўра, раҳмдилликка, кўнгилчанликка мойил. Бироқ аёллар томонидан жиноятлар содир этиш кам бўлса-да, учраб туради. Эркаклар жиноятчилиги сабаби билан аёллар жиноятчилиги сабаблари ўртасида муайян тафовутлар мавжуд. Шундан келиб чиқиб жиноят қонунчилиги инсонпарварлик қоидаларига асосланган ҳолда, жиноят содир қилган аёлларга нисбатан жазо тайинлашда бир қатор енгилликлар назарда тутилган. Жазо тизимини либераллаштириш муносабати билан амалдаги қонунларга киритилган нормаларга кўра, аёлларга бирон бир жиноят учун бериладиган жазо қонунда назарда тутиладиган энг юқори муддатнинг тўртдан уч қисмидан ошиб кетмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг II чақириқ XII сессиясида амалдаги Жиноят-ижроия кодексига аёлларнинг содир қилган жиноятлари учун тайинланган жазоларни ўташларини назарда тутувчи нормаларга ҳам бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 47-моддасига ҳам ўзгартириш киритилиб, умумий тартибли колониялар: оғир жиноят содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган эркаклар сақланадиган, ўта оғир жиноят содир этгани учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган эркаклар сақланадиган, оғир ва ўта оғир жиноят содир этганлиги учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган аёллар сақланадиган колониялардан иборатлиги назарда тутилди.

Мазкур моддага мувофиқ, эндиликда умумий тартибли колонияларда «илгари қасддан содир этилган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган ва қасддан жиноят содир этганлиги учун яна судланган аёллар (илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган ва ўта оғир жиноят содир этганлик учун яна судланган аёллар, шунингдек, ўта хавфли рецидивист деб топилган аёллар бундан мустасно)» сақланмасдан, балки оғир ва ўта оғир жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган аёллар сақланиши назарда тутилди.

Амалдаги Жиноят-ижроия кодексининг 46-моддасига ҳам ўзгартиришлар киритилиб, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган унча оғир бўлмаган жиноятлар, шунингдек, қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун ҳукм қилинган шахсларнинг манзил-колонияларда сақланиши кўрсатиб ўтилди. Манзил колониясида сақланаётганларнинг шароити озод шахсларнинг ҳаётига жуда яқинлаштирилган бўлиб, адашиб жиноят йўлига кириб қолган шахсларнинг ахлоқан тузалиши ва уларни тўғри йўлга ўргатишда жуда катта ёрдам беради.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг аксарияти жазони ижро этиш колонияларида ижро этилади. Вояга етмаганларга нисбатан эса, белгиланган тарбия колонияларида ижро этилиб, уларнинг тайинланган жазони ўташларига ҳам ўзгартиришлар киритилди. Жумладан вояга етмаган шахсларнинг Жиноят-ижроия қонунчилигида назарда тутилган «кучайтирилган тартибли тарбия колониялари» да жазо ўташлари чиқариб ташланди. Бундан ташқари, Жиноят-ижроия кодексининг илгариги таҳрирдаги 91-моддасида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга ҳар йили меҳнат таътили берилмаслиги назарда тутилган бўлса, эндиликда мазкур моддага қўшимчалар киритилиб, жазони манзил-колонияларида ўтаётган маҳкумларга нисбатан меҳнат таътилининг берилиши, шунингдек, манзил-колонияларидаги маҳкумлар муддати 15 иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган ҳар йилги меҳнат таътилига чиқиш ҳуқуқига эгалиги, таътил ЖИКнинг 82-моддасида белгиланган тартибда манзил-колонияси доирасидан четга чиқиш ҳуқуқи билан берилиши маҳкум жазони ижро этиш колониясининг интизомий бўлинмаси турар-жойларида сақланган вақтда ҳақ тўланадиган ҳар йилги меҳнат таътили бериш учун зарур муддатга қўшиб ҳисобланмаслиги назарда тутилди.

Республикамизда вояга етмаганларга бўлган эътибор нафақат ижтимоий ёки сиёсий ҳолатларда ва, ҳатто жиноят содир этиб айбли деб ҳисобланганларида ҳам алоҳида инсонпарварлик муносабатлари қонунлаштириб берилган. Жумладан, вояга етмаганлар жавобгарлиги, уларнинг ҳуқуқларининг алоҳида ҳимояланганлиги ва жазоларни белгилаш ва ўташ жараёнидаги инсонпарварлик хусусиятлари қонунда алоҳида белгиланган. Ўзбекистон Республикаси ЖИКга асосан, вояга етмай туриб жиноят содир этган маҳкумларни сақлашга мўлжалланган тарбия колониялари мавжуд бўлиб, уларнинг хусусиятлари алоҳида қонунлаштириб берилган. Тарбия колонияларининг ички хусусиятлари ҳам катталар учун белгиланган колониялардан енгиллаштирилганлиги билан ажралиб туради.

«Жазони ўташ жойларидаги бошқа жазони ўтаётган жиноятчиларнинг маҳкумга таъсири маҳкумларни ахлоқан тарбиялашга жиддий тўсиқ бўлади. Қолаверса, бу таъсир мазкур жиноятни содир этишга туртки бўлган салбий омилларнинг шахс онгида янада чуқурроқ ўрнашишига олиб келиши, шунингдек янги ғайриижтимоий қарашлар ва интилишларнинг шакилланиш манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин».

Жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан амалдаги Жиноят-ижроия кодексининг 124-моддаси ўзгартирилиб, тарбия колонияларида 16 ёшгача бўлган вояга етмаган маҳкумлар каттароқ ёшдаги маҳкумлардан; биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар илгари озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаган маҳкумлардан алоҳида сақланиши кўрсатиб ўтилди. Маҳкумларни тарбия колонияларидан жазони ижро этиш колонияларига ўтказиш (ЖИКнинг 129-моддаси) тартибига ҳам ўзгартиришлар киритилиб, маҳкумлар 21 ёшга тўлганидан, салбий тавсифга эга маҳкумлар эса 18 ёшга тўлганларидан кейин жазо ўташни давом эттиришлик учун тарбия колониясидан умумий тартибли колонияга ўтказилиши назарда тутилди ва мазкур модданинг 2-қисми чиқариб ташланди ҳамда жазони ўташни давом эттиришлик маҳкумларни жазони ижро этиш колониясига ўтказиш масалалари суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 537-моддасида назарда тутилган тартибда ҳал этилиши белгилаб берилди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, юртимизда инсонийлик тамойилларига алоҳида эътибор қаратилган. Инсон – у ким ёки қандай мавқега эга бўлишидан қатъий назар унинг эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадриятдир.

**Ражаббой КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бошқарма катта прокурори**

## АҲОЛИГА НАМУНАЛИ КОММУНАЛ ХИЗМАТ

Сурхондарё вилояти шаҳар ва туманларида аҳолига намунали коммунал хизмат кўрсатиш мақсадида тармоқ ходимлари кўпгина ижобий ишларни амалга оширмоқда.

Биргина ўтган йил давомида вилоят ҳудудидаги 1991 йилгача қурилган кўп қаватли уй-жойлардан 66 таси мукаммал таъмирланган. Бугунги кунда Термиз шаҳрида ичимлик сув ишлаб чиқариш қудуқлари, оқова сув ва иссиқлик қувурларини таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ўтган йилда шаҳардаги 32та 1991 йилгача қурилган кўп қаватли уй-жойларни мукаммал таъмирлаш учун маҳаллий бюджетдан 408 миллион, бюджетдан ташқари маблағлардан эса 34 миллион сўм сарфланган. Таъмирлаш ишларини сифатли бажариш, аҳоли яшаш жойларида зарур шароитларни яратишга пудратчи ташкилотлар томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**"Туркистон-пресс"**



Нурота шаҳридаги «Нуротамармар» корхонаси жаҳон талабига жавоб берадиган экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бунга Италиянинг «Педрини» фирмасининг янги линияларини ўрнатгач эришилди.

Корхона мармар плиталарининг сифати чет эл истеъмолчилари томонидан ҳам тан олинди. Хусусан, 2004 йилда Нью-Йоркда ўтказилган сифат Саммитида Нурота мармарига «Платина» мукофоти топширилди.

Корхона жамоаси ўтган йили 40 минг квадрат метрга яқин мармар плитаси ишлаб чиқарди. Ялпи даромад 320 миллион сўмни ташкил этди. Шунинг 2 минг квадрат метри Россия, Туркманистон ва Қозоғистон давлатларига экспорт қилинди.

***Суратда: илғор оператор Карим Ғаффоров.***

**С.ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат**

*Жиноят ва жазо*

# НОМАРД

Бутун бир одамнинг ҳаётига зомин бўлган воқеа, унинг юз бериши, айбдорнинг қилмиши акс этган жиноят иши билан танишарканcиз, ишонгингиз келмайди. Наҳотки, мактабни тугатиш арафасида турган йигит масъулият нима эканлигини билмайдиган бадфеъл қўлидан ажал топиб кетаверса! Ахир, Лутфилло ҳам яшашга, кўклам фаслида барқ урадиган гулзорлар ҳидидан баҳраманд бўлиб, булбуллар навосини тинглашга, севиб-севилишга ҳақли эди-ку! Эҳтимол кимнидир севиб ҳам улгурган, мактублар битгандир. Афсуски, йигит эндиликда буларнинг ҳаммасини юрагида олиб кетди...

Хўш, Лутфиллонинг йигитлик баҳорига қўйган қадамини қирқишга журъат этган, умрининг бевақт хазон бўлиш сабабчиси ким? Куппа-кундузи, қуёш чарақлаб турган, ҳув нарида Сирдарёнинг жигарранг тўлқинлари узра чағалайлар хушнуд парвоз қилаётган, қўшни пайкалда чаноқлардаги сўнгги толаларни тераётган қизлар қўшиғи янграётган бир маҳалда ҳаётига нуқта қўйишга қайси бир номарднинг қўли борди?

Афсусларким, одамлар орасида эзгуликдан йироқ, инсон ҳаёти билан ўйнашадиганлар учраб тураркан. Наманган туманининг Шўрқишлоқ қишлоғида туғилган, 24 ёшга кирган бўлса-да, ақли қуйилмаган Ғайрат Махсудов ана шундай номардлардан бўлиб чиқди. Келинг, энди фожеанинг тафсилотига ўтайлик.

Чет элларда ишлаб чиқарилган жангари фильмларни кўриб ўзини «жасур», «ботир» ҳис қилиб юрадиган Ғайрат анчадан бери акаси Шавкатнинг милтиғини мўлжаллаб юрарди. Аксига олиб акаси уни сандиққа беркитиб қўярди. Бир кун қарасаки, калит шундоқ милтиқ яширилган сандиқ қулфида.

– Ана сенга омад, - деди ўз-ўзига. – Милтиқни ол-да, кино қаҳрамонлари сингари ўқдонни белга боғла, учраганлар кўриб ҳавас қилсин, баъзи қуён тенгдошларинг сал қалтирасин. Ишинг юришса, эҳтимол дарё томондан сувга тушган бирон ўрдакними отиб келарсан. Ана шунда уйингдагилар қойил қолишади, сен билан ҳисоблашадиган бўлишади.

Йигит кўча ва экин майдонларию, ғўзапояси пахтадан тозаланаётган дала бўйлаб бораркан, атрофдагиларга елкасига осилган қуролини намойиш этмоқчидек милтиқ тасмасини ушлаб-ушлаб қўярди. Орада қўшни Ф.Турсунов номли ширкат хўжалиги даласига етганлигини ҳам сезмай қолди. Четдаги пайкалда салом-алик қилиб юрган танишлари Аҳрор Усмонов билан Лутфилло Ўтановлар ғўзапоя йиғиштиришаётган экан. «Уларга бир кимлигимни кўрсатиб қўймайманми?» деган фикр ўтди хаёлидан. Ёшроғи Лутфилло ёнига яқинлашаркан, ярим ҳазил, ярим чин оҳангда милтиқ тасмасини силкитиб қўйиб, деди:

– Мендан қўрқасанми, йўқми? Ахир, отиб ташлашим мумкин?

– Нега қўрқар эканман, - йигитларга хос жавоб қайтарди Лутфилло. – Ахир, сиз одамсиз, ақл-ҳушингиз жойида-ку!

Энди, Ғайратнинг жаҳли чиққандек бўлди. Милтиқни ўқлаб жанговор ҳолатга келтирди ва Лутфиллонинг кўкрак қисмига тиради.

– Ҳалиям қўрқмайсанми?

Лутфиллонинг йигитлик ғурури, барибир «қўрқдим» дейишга йўл қўймади. Эҳтимолки, милтиқнинг совуқ қувури кўкрагига тиралиб турган учидан эти жимирлаган бўлса-да, ҳалиям Ғайратни ҳазил қилаяпти, деб ўйлади. Бошини рад маъносида тебратди. Худди шу паллада гумбурлаб милтиқ отилди... Лутфилло шу ернинг ўзида жон берди.

– Бўлар иш бўлиб, Лутфилло Ўтанов ҳаётдан кўз юмгандан сўнг, Ғайрат Махсудов «мен ҳазил қилмоқчи бўлгандим, осмонга қараб отмоқчи эдим, адашиб кетдим» дея кўз ёш қилди. Ажабо, йигирма тўрт ёшни яшаб қўйган одам, наҳотки ҳазил билан чиннинг фарқига бормаса, совуқ қурол билан ўйнашиш мумкин эмаслигини тушунмаса, - дейди шу мавзуда суҳбатлашганимизда вилоят прокуратураси алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси Х.Умрзоқов. – Қотил қилмишига яраша жазосини олди.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Газетхон илтимосига кўра*

***САВОЛ: ходимнинг иш берувчига етказган зарари учун моддий жавобгарлиги тўғрисида маълумот берсангиз.***

***Ходим муассасага катта миқдорда зарар етказган бўлса ёки ходимнинг етказган зарари у ишдан бўшаб кетгандан сўнг аниқланса, бу масала қандай ҳал қилинади?***

**Ф.ҲАҚҚУЛОВА,**
**Термиз шаҳри**



# ЕТКАЗГАН ЗАРАРИ УЧУН МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИК

## Саволингизга Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош ҳуқуқшуноси Карим Мухторов жавоб беради

**ЖАВОБ**: ходимларнинг моддий жавобгарлиги уларнинг бевосита айби билан улар меҳнат муносабатларида бўлган муассасага етказган зарарни қонунларда белгиланган миқдорда ва тартибда тўлаш мажбуриятидан иборатдир.

Ходимга моддий жавобгарлик юклашдан асосий мақсад фақатгина уни моддий харажатларни тўлашга мажбур қилиш эмас, балки шундай турдаги ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликларнинг олдини олиш ва бундай ҳолатлар келгусида рўй бермаслигини таъминлашдан иборатдир.

Иш берувчига ходим томонидан етказилган зарарни ундириш муносабатлари МКнинг 198-210-моддалари ва ФКнинг 985-моддаси асосида тартибга солинади.

Ходимни моддий жавобгарликка тортиш учун бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартлар бўлиши зарур:

– ҳақиқатда ҳам зарар етказилган бўлиши;

– зарар ходимнинг ноқонуний ҳаракати ва ҳаракатсизлиги натижасида етказилган бўлиши;

– етказилган зарар билан ходимнинг ушбу ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги ўртасида узвий боғлиқлик бўлиши;

– зарар етказишда ходимнинг бевосита айби бўлиши.

Ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарар учун ҳам, иш берувчи бошқа шахсларга етказилган зарарни тўлаши натижасида келиб чиққан зарар учун ҳам моддий жавобгар бўлади.

Зарар ходимнинг ноқонуний ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида етказилиши дейилганда, ходимнинг қонунда ёки бошқа меъёрий ҳужжатлар, яъни ички меҳнат тартиби қоидалари, интизом тўғрисидаги низомлар, уставлар, йўриқномаларда белгиланган хизмат вазифаларини бузиши ёки бажармаслиги тушунилади. Қонун ёки бошқа меъёрий ҳужжат билан тақиқланган ҳаракат ғайриқонуний ҳисобланади.

Агарда зарар, уни бартараф этиш мумкин бўлмаган кучлар, хўжалик таваккалчилиги оқибатида, охирги зарурат ёки зарурий мудофаа натижасида келиб чиққан бўлса, ходимнинг ҳаракатлари ноқонуний ҳисобланмайди ва уни моддий жавобгарликка тортишига йўл қўйилмайди.

Ходимга моддий жавобгарликни юклаш учун етказилган зарарда унинг айби исботланган бўлиши зарур ва бу айб қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган бўлиши мумкин.

Меҳнат қонунчилигида ходимларнинг моддий жавобгарлиги чегараланган бўлиб, бундай жавобгарлик чекланган ҳамда тўлиқ моддий жавобгарликдан иборатдир.

Иш берувчи зарарни муайян ходимдан ундириб олиш тўғрисида қарор (буйруқ чиқаришдан) қабул қилишдан олдин етказилган зарар миқдорини белгилаш ва унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш мақсадида текшириш ўтказиши шарт.

Зарарнинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш учун иш берувчи биринчи навбатда ходимдан тушунтириш хати талаб қилиши керак. Ходим тушунтириш хати беришни рад этиши иш берувчига уни етказилган моддий жавобгарликка тортишга тўсиқ бўла олмайди. Бу ҳолда уч кишидан кам бўлмаган ходимлар иштирокида далолатнома тузилади.

Иш берувчига етказилган зарар миқдори ҳақиқий йўқотишлар бўйича бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 202-моддасига асосан, етказилган зарар учун қуйидаги ҳолларда ходимга тўлиқ моддий жавобгарлик юклатилади.

1) махсус шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун;

2) бир марталик ҳужжат асосида олинган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун;

3) қасддан зарар етказилганда;

4) алкогол ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик таъсиридан мастлик ҳолатида зарар етказилганда;

5) ходимнинг суд ҳукми билан аниқланган жиноий ҳаракатлари натижасида зарар етказилганда;

6) тижорат сирлари ошкор этилганда;

7) қонунларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилаётган ходим махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгар бўлади. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақидаги шартнома тузиладиган ходимларнинг тоифалари рўйхати муассасанинг жамоа шартномасида белгилаб қўйилиши зарур, агар у тузилмаган бўлса, – иш берувчи билан касаба уюшма қўмитаси ўртасидаги келишувга асосан белгиланади.

Мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб бўлган корхона, муассаса, ташкилотлар асраш учун бериб қўйилган бойликлар сақланишини таъминлаш, қайта ишлаш, сотиш (бериш), ташиш ёки ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш бобида тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартномалар тузиши мумкин бўлган ходимлар эгаллайдиган ёки бажарадиган лавозимлар ҳамда ишларнинг намунавий рўйхати 1996 йил 2 апрелида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳайъатининг 2/4-сон қарори билан тасдиқланган.

Муассаса билан кўрсатиб ўтилган рўйхатдаги лавозим ва ишларни бажараётган ходимлар ўртасида тўла моддий жавобгарлик ҳақида ёзма шартнома тузишда қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши зарур:

а) ходим 18 ёшга тўлган бўлиши;

б) қимматликларни сақлаш, қайта ишлаш, сотиш (бериш), ташиш ёки ишлаб чиқариш жараёнида улардан фойдаланиш учун бевосита ходимга топширилган бўлиши.

Тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома икки нусхада тузилади ва бир нусхаси ходимлар, иккинчи нусхаси иш берувчида сақланади.

Ходимга ишониб топширилган моддий қимматликларни сақлашни таъминламаганлик учун моддий жавобгарликни юклаш ҳақидаги буйруқ тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома ўрнини босмайди.

Ходим муассасага келтирган зарарни ихтиёрий равишда қисман ёки тўлиқ тўлаши мумкин. Бу ҳолда иш берувчи ва ходимнинг келишувига биноан зарарни тўлаш муддати кечиктириб қопланишига йўл қўйилиши ва ходим иш берувчига тўлов муддатларини аниқ кўрсатиб зарарни қоплаш ҳақида ёзма мажбурият бериши мумкин. Агар ходим меҳнат шартномасини бекор қилса ва зарарни тўлашдан бош тортса, қарзнинг узилмай қолган қисми нотариал идораларнинг ижро ҳужжатлари асосида ундирилади.

Ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда етказилган зарар миқдори айбдор ходимдан иш берувчининг буйруғи асосида ундирилади. Буйруқ зарар етказилганлиги аниқланган кундан бошлаб бир ой ичида чиқарилиши керак.

Башарти етказилган зарарнинг ходимдан ундирилиши керак бўлган миқдор унинг ўртача ойлик иш ҳақидан ошиб кетса ёки зарар аниқланган кундан кейин бир ойлик муддат ўтган бўлса, ёхуд ходим ишдан бўшаб кетгандан сўнг аниқланса зарар суд орқали ундирилади.

Суд айбнинг даражаси ва шаклини, аниқ ҳолатларни ва ходимнинг моддий аҳволини ҳисобга олиб ундириладиган зарар миқдорини камайтириши мумкин.

Иш берувчи, бухгалтерия ходимлари шуни ёддан чиқармасликлари зарурки, иш ҳақини зарар келтирган ходимга ҳар гал тўлаш вақтида иш берувчининг буйруғи ёки суднинг қарори асосида ушлаб қолинадиган ҳақнинг умумий миқдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг эллик фоизидан ортиб кетмаслиги зарур.

# АНИҚЛИК КИРИТСАНГИЗ



## Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

***Савол: дипломда - «ўқитувчи» ёки «педагог», деб кўрсатилмаган бўлса коммунал хизматлари учун имтиёзлар ўрнига компенсация тўланадими?***

**Р. БОБОДЎСТОВ,**
**Самарқанд вилояти**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 апрелдан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисидаги Фармонига биноан қуйидаги шахсларга энг кам иш ҳақининг 45 фоизи асосида компенсация пул тўловлари тўлана бошланди:

- барча турдаги умумтаълим мактабларининг педагогик маълумотга эга ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, тарбиячилари, концертмейстрларига;

- академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва ўрта махсус таълим муассасалари педагогик маълумотига эга ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, ишлаб чиқариш усталари, психологлари, методистлари, тарбиячилари, концертмейстрлари;

- педагогик маълумотига эга Меҳрибонлик уйи тарбиячилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, психологларига;

- педагогик маълумотига эга бўлган тарбиячилар, ўқитувчилар, мудирлар, директорлар, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, мактабгача таълим муассасаларининг психологларига;

- педагогик маълумотига эга ва тренерлик иши олиб борган мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ўқитувчилари, тарбиячилари, тренер-ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, инструктор методистларига;

- Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилар таркиби, ректорлари, ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорларига, филиалларнинг директорлари, ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, илмий котиблар, ишлаб чиқариш усталари, ҳисоб маркази бошлиқлари, инженерларига;

- юқорида айтиб ўтилган ходимлар тоифасига кирувчи педагогик ва илмий педагогик меҳнат стажи 10 йилдан кам бўлмаган пенсионерларга ҳам тўланади. Агар дипломингизда ҳақиқатан ҳам «ўқитувчи», - деб ёзилмаган бўлса Сизга компенсация пул тўловлари бериш назарда тутилмаган.

## *Хабарлар оқимидан*

## ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК

***Ўзбекистон Давлат консерваториясининг доценти Фарҳод Алимов моҳир бастакор сифатида ҳам мусиқа шинавандаларига яхши танилган. Унинг саҳна асарларига ёзган мусиқалари ҳам томошабинлар томонидан яхши кутиб олинмоқда.***

«Нодирабегим» деб номланган мусиқали драмаси эса чет эл гастрол репертуаридан ўрин олди. Ижодкор яратган қатор симфониялар ва увертюралар Хитойдаги концерт ташкилотларида ижро этилди.

Хитой маданият департаменти буюртмаси билан унинг оркестр учун симфония ва пьесалари юзага келди. Бу ижод намуналарининг Хитойда тақдимотлари ўтказилди.

Бугунги кунда ҳам бастакор хитойлик мусиқа санъат усталари билан ижодий ҳамкорлигини давом эттирмоқда.

## ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

***Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Тил ва адабиёт институтида луғатшунослик бўлими ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бундан 70 йил аввал тузилган бу бўлим саъй-ҳаракати билан олиб борилаётган тадқиқотлар ўзининг ижобий натижаларини берди.***

«Ўзбекча-русча луғат»нинг дастлабки нашри академик Т. Қори-Ниёзий билан олим А. Боровковлар ҳамкорлигида юзага келди. Кейинчалик «Русча-ўзбекча луғат»ларнинг бир неча китоби босилиб чиқди.

Беш жилдли «Русча-ўзбекча луғат»нинг чоп этилиши тилшуносликда муҳим воқеа бўлди. Ўз ичига 72000 сўз ва бирикмани қамраб олган мазкур нашрни босмага тайёрлаш устида кўпгина йирик луғатшунослар фаол иштирок этишди.

Москвада чоп этилган луғат туркшунос олимлар таҳсинига сазовор бўлди. Зеро, луғат мақолалари кенг қамровли бўлиб, пухта ишланганлиги билан ажралиб туради. Институтнинг луғатшунос олимлари бугунги кунда яна қатор йирик луғат асарлари устида иш олиб бормоқдалар. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги Аъзам Ҳожиев раҳбарлигида тузилаётган луғат ҳам энг йирик нашрлардан бири бўлади.

## ТАЛАБАЛАРГА СОВҒА

***Республикамизда чет тилларни ўқиб-ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Шу мақсадда хорижий тиллар бўйича қатор дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилмоқда.***

«Чет тили ўқитиш методикасидан очерклар» деб номланган ўқув қўлланманинг чиқарилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Наманган давлат университети доценти С. Сайдалиев томонидан яратилган мазкур янги нашр уч бобдан иборат бўлиб, чет тили ўқитиш методикасининг назарий масалалари атрофлича ёритилган.

Бу борада амалга оширилган илмий методик кузатишларни умумлаштириш мақсадида муаллиф методика фани, унинг бугунги кундаги ривожланиши, бу жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларига тўхталади.

**А.АЛИЕВ**

Нуронийлар фахримиз, суянган тоғларимиздир. Кексалари бор юрт ҳамиша файзли, нурга тўлиқ бўлади. Тўқсон ёшга яқинлашаётган Турдимурод бобо Мирзақулов ана шундай пири бадавлатлардан. Табаррук отахон Денов туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалигининг Усмон Юсупов номли маҳалласида умргузаронлик қилади. У ёшликдан оғир меҳнатда тобланди, сўнгра урушда катта синовдан ўтди, узоқ йиллар воҳа қишлоқ хўжалигини юксалтиришга ҳисса қўшди. Умр йўлдоши Пардахол момо билан беш фарзандни ўстириб улғайтириб, элга қўшди. Улар турли касблар бошини тутиб, ҳалол меҳнатлари билан ота-оналарининг юзини ёруғ қилишмоқда. Бобо айни дамда бир этак невара-чевараларнинг дуогўйи.

**Икром ҲАСАНОВ олган сурат**



## ТАЪЛИМ МАСКАНИДА ТАДБИРКОРЛИК

### бу ташаббус қандай натижа беряпти?

*(Боши 1-бетда)*

Тарбия масканларида олиб борилаётган тадбиркорлик ишлари ҳам қувончли натижалар бермоқда. Масалан, Норин туманининг «Булбулча» номли мактабдан ташқари муассасасида тўпланган тажриба ҳам диққатга сазовордир. Ушбу болалар боғчасидаги тадбиркорлик ишлари туфайли 24 та қўшимча иш ўрни яратилди. Бу соҳадан келаётган даромад туфайли меҳнат қилаётганларга ойлик маошларини ўз вақтида тўлаш осонлашди, кам таъминланган ва муҳтож ходимларга моддий ва маънавий кўмак бериш юзасидан талай тадбирлар амалга оширилди. Шу сингари ибратли ишлар Чортоқ туманидаги лицей-интернатда, Тўрақўрғон туманидаги 54-мактабда ва бошқа қатор касб-ҳунар коллежларида олиб борилмоқда.

Наманган Давлат университети ректорати касаба уюшма қўмиталари билан ҳамкорликда бюджетдан ташқари топилган маблағ ҳисобидан ходимларга устама ҳақ тўлашда, мукофотлаш ва моддий ёрдам кўрсатишда, талабаларни, хусусан, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда, шунингдек, уларга ҳар томонлама моддий ёрдам беришда фойдаланмоқда. Масалан, «Инновация технологиялар маркази» қошида ўқув курслари, чунончи, бизнес мактаби, хорижий тилларни ўргатиш, компьютер саводхонлигини ошириш курслари ташкил этилган бўлиб, улар ва бошқа шу сингари манбалар ҳисобидан фақат ўтган йилда салкам 30 миллион сўм даромад олинди. Жумладан, унинг ёрдамида университет қошидаги «Ёшлик» санаторий-профилакторийси қайта таъмирланди, ушбу соғломлаштириш тармоғи учун талабаларга берилаётган йўлланманинг тенг ярми ректорат ҳисобидан қопланмоқда.

Наманган Муҳандислик-иқтисодиёт институтининг ёрдамчи деҳқончилик хўжалигидан ҳамда «Лочин» спорт клуби тушумларидан келадиган маблағнинг асосий қисми ходимлар ва талабаларни қўллаб-қувватлашга сарфланмоқда. Чунончи, 2000 - 2004 йиллар мобайнида ҳар йил якунига кўра ҳар бир ишловчига 80 минг сўмликдан ортиқ ижтимоий наф кўрсатилди. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек Муҳандислик иқтисодиёт институтида фақат ўтган йилнинг ўзида ишловчи ва талабаларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағ ҳисобидан 30 миллион сўм, маданий-маърифий ва спорт тадбирлари учун эса 10 миллион сўм маблағ сарфланди. Шу кунда профессор-ўқитувчилар ва талабалар 5 та хорижий давлатларнинг гранти бўйича 12,8 миллион сўмлик лойиҳалар устида ишлашмоқда.

Мактабларнинг ўқув базаларини мустаҳкамлашда чет эл грантларининг ҳам ёрдами катта бўляпти, чунончи, кейинги 2 йил ичида 9 та халқ таълими муассасаси ўз дастурлари билан грантларда қатнашиб ўқув анжомлари, таъмирлаш ишларига эса 468 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя олишга эришдилар. Бу эса вилоят ўқитувчиларининг Америка Қўшма Штатлари, Россия, Германия, Австрия, Англия, Украина сингари ривожланган мамлакатларга бориб таълим тизими тажрибаси билан танишиб келиш имконини берди ва улар билан манфаатли алоқалар ўрнатилди. Хуллас, ҳаракатда баракат деганларидек, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда умумтаълим мактабларида бюджетдан ташқари маблағ излаб топиш борасида эришилаётган натижалар фақат ишловчилар, талабалар ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялашда наф келтирибгина қолмасдан тизимни янада ривожлантириш соҳасида ҳам қўл келмоқда.

**О.ОБИДОВ**

*Олис қишлоқ спорти*

***Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётгани олис қишлоқларда ҳам акс садо бермоқда.***

## ЗАРБДОРДАН ЧЕМПИОНЛАР ЧИҚАДИ

Зарбдор туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 460 нафар ўқувчи спортнинг футбол, волейбол, кураш, каратэ турлари бўйича машғулотларга қатнашади. Ёшларга 14 нафар мураббий спорт сирларини ўргатиб келмоқда. Саъи-ҳаракатлар натижаси ўлароқ туман, вилоят, республика мусобақаларида тез-тез муваффақиятларга эришилмоқда.

Хусусан, ўтган йилнинг сентябрида ёш каратэчилар ўз мураббийлари Баҳром Қўшназаров раҳбарлигида Ўзбекистон кубоги мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Яқинда мактабда Баҳодир Мирзаев мураббийлигида бокс тури бўйича янги бўлим фаолият бошлади.

- Қизлар ва ўғил болалар ўртасида волейбол ишқибозлари кўпчиликни ташкил этишини ҳисобга олиб, спортнинг бу турига алоҳида эътибор бериб келаяпмиз, - дейди мактаб раҳбари Равшан Суюндиқов. - Яқинда Самарқандда ўтказилган республика мусобақасида иштирок этган жамоамиз қизлар ўртасидаги баҳсда 4-ўринни эгаллади. Мураббийларимиз Фахриддин Холмўминов, Дилноза Алиқуловалар ўз жамоалари фаолиятини янада такомиллаштириш устида тинмай изланмоқдалар. Волейболчи қизлар Шоҳсанам Туропова, Нилуфар Топриқулованинг келажаги умидли.

«Қувноқ стартлар» мусобақасида зарбдорлик ёшлар республика босқичида қатнашадиган бўлса, оилавий спорт мусобақаларида Искандар Каримовлар оиласи иштирок этишга йўлланма олди.

Ўтган йили ҳокимлик Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига «Шарқ юлдузи» агрохизмат маркази ҳудудидан 38 гектар ер майдони ажратиб берди. Давлатга 44 тонна пахта сотган мактаб жамоаси 4 миллион сўм даромад олди. Ушбу маблағ болалар спортини ривожлантириш йўлида сарфланади.

**А. АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**





## «ШОҲОБОД» КУЙЛАГАНДА

Шовот тумани маданият бўлимига қарашли «Шоҳобод» гуруҳи ижодини Хоразм воҳаси аҳолиси жуда қадрлайди. Уларнинг ашула ҳамда рақслари, масхарабозларининг чиқишлари, ёқимли сурнай наволари томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Айни пайтда жамоада 20 санъаткор фаолият олиб бормоқда. Улар ўзларининг миллий ва мумтоз санъати билан халққа хизмат қилишдан сира чарчамайди. Шунинг учун бўлса керак, туманда бирорта тўй-ҳашам ёки бошқа байрам тадбирлари уларнинг иштирокисиз ўтмайди.

Ҳозирги кунда «Шоҳобод» гуруҳи баҳор байрами - Наврўзга янги дастур тайёрламоқда.

***Суратларда: гуруҳ созандалари; «Шоҳобод» гуруҳининг масхарабоз ўйинчилари.***

**Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар**

*Таҳлил*

***Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиёти ўзининг муҳим томонлари билан ҳар бир ижодкор учун қадрли ва қимматлидир. Халқ оғзаки ижодиётининг ёзма адабиёт тараққиётида тутган ўрнини юксак баҳолаган Ойбек алоҳида намуна кўрсатдики, бу адиб ижодининг энг ёрқин саҳифасини ташкил этувчи масалаларнинг бирига айланди ва бу унинг асарларида кенг ёритилди.***

## ОЙБЕК ИЖОДИДА ФОЛЬКЛОР АНЪАНАЛАРИ

Халқ донолиги мужассамланган фольклор асарига ихлос қўйиш Ойбекнинг илк ижодидан бошланганлигини кўрамиз. Унинг дастлабки лирик асарларида халқ қўшиқлари оҳанги, фикр ва туйғуларга бойлиги, ранг-баранг шакллари ва юксак бадиятида бу нарса яққол кўзга ташланади. Кейинроқ бу унинг эпик асарларида янада кенг ва аниқ тус олди, чунки танланган воқеликни романтик бўёқлар билан тасвирлашда, тимсолларнинг ўзига хос характерини яратишда фольклор асари Ойбек учун катта мактаб бўлди.

Ўзбек адабиёти ва маданиятининг яқин дўсти бўлган А. Дейч ўзининг «Ўзбек халқининг қомуси» номли мақоласида ўзбек ёзувчилари ижоди хусусида тўхталиб шундай ёзган эди: «Халқ оғзаки ижоди, халқ санъати ва Ўрта Осиё классик поэзияси билан алоқада бўлиш - улар ижодининг муштарак характерли хусусиятларидир. Шу туфайли улар ижодида фикр аниқ, ҳикматли шеърлар, оҳангдор кайфиятлар, кўтаринкилик мавжуд».

Адиб халқ оғзаки ижоди жуда қадимий ва ранг-баранг экани, у неча асрлардан бери бойиб, сайқал топиб, даврлар оша оғиздан-оғизга ўтиб келаётгани ва бу асарларда ҳар бир давр ўз изини қолдиргани, халқнинг эзгу ниятлари ўзининг тўла ифодасини топгани учун ҳам халқ бу эртак, достон, афсона, қўшиқ, мақол ва ривоятларга жуда диққат билан қулоқ солгани ва уни шу кунларгача авайлаб-асраб келгани ҳақида ёзади. «Халқ ўз қўшиқ ва достонларини кўз қорачиғидек асрар эди, - дейди у. -Порлоқ бадиий образлар билан ифодаланган халқ фантазияси, халқ донишмандлиги, бу бой хазинани кундан-кунга бойитар эди».

У «Навоий» романини қандай ёздим» деган мақоласида шундай дейди: «Ёзувчилар тилни халқдан ўрганишлари лозим. Халқ тили ажойиб формалар ва қочириқларга бой битмас-туганмас асл манбадир».

Ойбек Алишер Навоий ижодини таҳлил қилиб, бу сиймонинг халқ ижодига бўлган муносабати ҳақида фикр билдириб, «Навоий ўзининг «Фарҳод ва Ширин» асарини яратишда халқ ижодидан фойдаланган. Зотан, аксари юксак бадиий асарларнинг негизида халқ ижоди ётади. Албатта, Навоий халқ ижодидаги фикрларни ўз идеаллари призмасидан ўтказиб, тамом янги бир асар, ғоявий йўналиш ва санъаткорлик даражаси эътибори ила халқникидан бошқа асар яратган. Маълум даврда яшаган, маълум идеологияга эга бўлган шоирнинг ижодий фантазиясидан кечган халқ адабиёти материаллари бошқа ранглар, бошқа товланишлар касб этади. Халқ адабиётидаги образлар қайтадан ишланади, қаҳрамонлар бошқа янги ғояларни тафсил этувчи шахсларга айланади ва ҳоказо. «Фарҳод ва Ширин»да ҳам халқ афсонаси асосий материал бўлиб хизмат этган. Шоир халқнинг бадиий тўқимасига ранг-баранг фикр гулларини чизиб, асарнинг бутун қисмларини маълум фалсафий ғоя билан боғлаб катта проблематик достон яратган».

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек халқ ижодиёти унинг учун илҳом манбаи бўлганлигини таъкидлаб, ўзининг ижодий юксалишида фольклор қандай рол ўйнагани ҳақида шундай дейди: «Халқ, унинг тарихи, ҳаёти, унинг кўп қўшиқлари мен учун битмас-туганмас илҳом булоғи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади ҳам».

Дарҳақиқат, Ойбек ўзининг насрий асарларида халқ ижодидаги қаҳрамонлар характери портрет яратиш воситалари, мақол ва афоризмлар, ривоятлардан кенг фойдаланганидек, халқ оғзаки ижоди мотивлари ва халқ афсоналари сюжети асосида ўзининг «Бахтигул ва Соғиндиқ», «Гули ва Навоий» достонларини яратди.

«Бахтигул ва Соғиндиқ» асари кўпроқ халқ оғзаки ижодида Хоразм достончилигидаги «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» ишқий-романтик достонига ўхшаб кетади.

Ойбек «Гули ва Навоий» достонини бевосита халқ афсоналари асосида яратган. Асарга сўзбоши ёзган адибнинг умр йўлдоши Зарифа Саидносирова шундай ҳикоя қилади: «Кичиклигидан Навоий шеърларига яхши ошна, мафтун, муҳаббати зўр бўлган Ойбек 1936 йилда «Навоийнинг таржимаи ҳоли ва ижодий фаолияти» номли монографиясини ёзиб тугатди, кейин унинг ҳақида достон, роман яратишга ва бир қатор мақолалар ёзишга киришган эди.

1968 йилнинг март ойида Ойбек яна беш асрлик воқеа чангини тозалаб, тарих йўлларини кезди, бир халқ афсонаси асосида «Гули ва Навоий» достонини яратди.

Ойбек бу достонини ҳазрат Навоийнинг 525 йиллик юбилейига бағишлаган эди».

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг серқирра ижоди фольклор материалларига бой. Адиб ўз ижодида халқ оғзаки ижоди маҳсулидан унумли фойдаланди.

Юқорида айтганимиздек, Ойбек турли жанрларда яратган асарларида оғзаки ижод материалларини шу асарнинг руҳига сингдириб юборган ҳолда тасвирлайди ва ундан ижодий фойдаланади. Ана шунинг учун ҳам Ойбекда бадиҳагўйлик яққол сезилиб туради.

Хусусан, «Болалик» асарида муаллиф эпик жанр имкониятларидан яхши фойдаланганига гувоҳ бўламиз. Мазкур асарда афанди латифалари, қўшиқлар, термалар, ривоятлар, ҳикоялар, халқ мақоллари, халқ иборалари, халқ афоризмлари, идеоматик, фразеологик бирикмалар, персонажлар нутқига едириб юборилган.

«Болалик»да бош қаҳрамон ёзувчининг ўзи. У ёшлик ва ўспиринлик давридаги ўзининг бошидан кечирган ва ўзи кўрган воқеа-ҳодисаларни хотира сифатида ҳикоя қилиб беради. Мусо характерининг шаклланишида ўзбек, қозоқ фольклор асарлари, «Минг бир кеча» афсоналари, Навоий, Фузулий, Машраб, Муқимий каби классик шоир ва ёзувчиларнинг асарлари жуда катта рол ўйнаган. Унинг қулоғи ёшлигидаёқ бобоси, бувиси, онаси айтган чўпчак ва бошқа оғзаки ижод асарларидан пишган.

Бобоси айтиб берадиган эртаклар кичкинтой Мусони ҳаяжонга солиб, гўё эртак айтаётган бобоси мана шу айтилаётган эртакдаги қаҳрамон тимсолида кўринар эди. Бобонинг Мусога айтган «Тулки ва товус» эртагининг мазмуни бевафо замон ҳақида айтган фикрлари билан мазмунан бирлашиб кетади.

Бобо тимсолида Ойбек меҳнат аҳлининг эрксиз, аянчли аҳволи, оғир, машаққатли ҳаётини, реал ҳаққоний эпизодларда кўрсатиб беради. Кекса бобоси ёш Мусонинг назарида жонли ўтмиш бўлиб гавдаланади. У Мусога қараб: «Ўтди, кетди умр, эй воҳ бевафо дунё, юрган дарё, ўтирган бўйра дейдилар, қутирган бир дарё эдик, мана кўрибсизки, бўйра бўлиб қолибмиз, дейди».

Шунингдек, отасининг бола-чақа, чол-кампир деб тирикчилик ташвишида чўлу биёбонларда, жазирама саҳроларда меҳнат қилиб, фақат бой учун ишлаб ундан қарз уза олмагани мисолида шу даврнинг йўқчилик, муҳтожлигини реал лавҳаларда чизиб берган.

Ёки опаси Кароматнинг тўйида айтилган:

***Отанг қилган бу эшик***
***Ёпилмайди, ёр-ёр.***
***Қизим тенги дунёда***
***Топилмайди ёр-ёр, -***

каби ёр-ёрлар ҳаётдаги ижтимоий тенгсизликни кўрсатади.

«Болалик» асарида мифология билан боғлиқ ўринлар ёки диний мотивлар билан боғлиқ эпизодлар, яъни кинначи кампир, фолбин кампир, Эшон ва эшонойимларнинг уюштирган зикр кунлари, шунингдек домласи ҳар Наврўз байрамида далага болаларни олиб чиқишлари, ўша даврнинг моҳияти ҳаётий лавҳаларда акс эттириб берилади. Жумладан «Ҳазрат Алининг бургутдай Дулдул деган отлари бўлган экан», каби. Шунингдек, асарда «Бирпасда сувдай билиб олдинг-а!», «Жиннини бир қилиғи ортиқ», «Туя кўрдингми - йўқ, бия кўрдингми - йўқ», «Ой юр, омон юр, қайда бўлсанг ҳам омон бўл» ва бошқа халқ иборалари, мақоллар, идеоматик, фразеологик иборалар ҳам ўрин олган. «Бир жумла билан чил-парчин қилиб» ташлаш кучига эга бўлган халқ мақоллари ва халқ оғзаки ижодидаги бошқа ифода воситалари Ойбек ижодида кўп қўлланганлиги ҳам бежиз эмас.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, Ойбекнинг турли жанрдаги ижодида фольклор мативлари, афсона ва ривоятлар, фольклоризмнинг ранг-баранг кўринишлари янгича жило топди.

Халқ донолиги мужассам бўлган фольклор асарлари ёзувчи учун битмас-туганмас ижод чашмаси эканини намойиш этди. Унинг бу ижодий лабораторияси эндиликда юксак камолотга эришаётган бугунги адабиётимиз учун мактаб бўлиб қолди.

**Тожихон СОБИТОВА,**
**филология фанлари номзоди,**

## БАРЧА КУТГАН ЛУҒАТ

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига 15 йил ва лотин алифбосига асосланган ёзувга ўтилганлигига 10 йилдан ошди. Бугун мамлакатимизда барча соҳалар бўйича ўзбек тилида иш юритилмоқда.

Яқинда Тошкент Давлат Техника Университетининг олимлари А.Аминов, Ш.Султонмуротовлар томонидан Ўзбекистонда биринчи марта кирилл ва лотин алифбосида тузилган «Қудуқларни бурғулаш соҳаси атамаларининг русча-ўзбекча луғати» «Фан ва технология» нашриётида босмадан чиқди.

Луғат 52 босма табоқдан иборат бўлиб, унда пармалаш ишларида энг кўп қўлланиладиган, назарий ва амалий жиҳатдан тартибга солинган, такомиллашган 3500 дан ортиқ пармалаш соҳасига оид кўплаб асбоб-ускуналар, қурилма ва агрегатлар, анжомлар номи берилган.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси корхоналари, илмий тадқиқот институтининг ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган мутахассислари, олимлар ҳамда олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалар кундалик қўлланма сифатида фойдаланаётган мазкур луғат мутахассислар томонидан юқори баҳоланмоқда.

Мазкур луғат ишлаб чиқариш корхоналари, илмий-текшириш институтларининг олимлари ва мутахассислари томонидан тузиладиган ёки тақриз қилинадиган, нефт-газ конларини излаш, қидириш, қудуқларни пармалаш ва ишга туширишга оид кўплаб лойиҳа ва ҳисоботларни тузишда ҳамда ишлаб чиқариш корхоналаридаги ишчихизматчилар лавозимларига доир йўриқномаларни қайта яратишдаги мавжуд муаммолар, атамашуносликка оид чигалликларга барҳам беради.

**Раҳимжон ОРИПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.15

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 17262 Буюртма-Г— 115 2 3 4 5 6